

Илгари хабар қилингандек, Санъат саройида Тошкент партия ташкилотларининг маъмурият фаолияти ва аппарат иши устидан назоратни амалга ошириш буйича комиссиялар раисларининг семинари бўлиб ўтди. Семинарни Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. Умаров очди. У Тошкент коммунистлари барча меҳнатқашлар партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг май ва ноябрь (1982 йил) йилномалари қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун фидокорона меҳнат қилаётганликларини таъкидлади. Бу қарорларни амалга оширишда бошланғич партия ташкилотлари юрт муҳим роли ўйнайдилар. Улар меҳнатқашларни олдинда турган энг муҳим вазифаларни

бажаришга сафарбар этишлари керак. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) йилноми партия ташкилотларидан ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида, бошқаруvinинг барча соҳаларида партия, давлат, меҳнат ва ижрочилик интизомини янада мустақамлашни таъминлашни талаб этди. Коммунистлар ишда ушшоққилик ва ишчанликни оширишга, иқтисодий ривожланишнинг интисоми омилилардан тўлароқ фойдаланишга қундалик таъсир ўтказиб туришлари лозим. Бошланғич партия ташкилотларида бундай таъсир кўрсатишнинг самарали воситаси — маъмурият фаоли-

ти ва аппарат иши устидан назорат қилиш ҳуқуқи бор. Мамлакатимиз ва шаҳримиз илгор партия ташкилотларининг таърибаси маъмурият фаолияти ва аппарат иши устидан назоратни амалга ошириш буйича комиссиялар партиявий ишнинг самарали формаси эканлигини кўрсатиб турибди. Семинарда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин «Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг маъмурият фаолияти ва аппарат иши устидан назоратни амалга ошириш буйича комиссиялар ишнинг КПСС XXVI съезди қарорлари асосида янада ошириш тўғрисида» доклад қилди.

ИҚТИСОД ВА ТЕЖАМКОРЛИК УЧУН КУРАШДА

А. НЕСТЕРЕНКО.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наشريёт партия ташкилотларининг иқтисод қилиш ва тежамкорлик устидан назорат буйича комиссия раиси.

Комиссиямиз халқ рочилари белгиланади. Худди шу йул билан механизмларнинг бекор туриб қолиши ҳоллари бартафав этилди. Хужжатларни расмилаштириш формалари тақомиллаштирилди.

Партия ташкилоти комиссия наشريёт маъмурият билан ҳамкорликда иш олиб боради. Комиссия аъзолари томонидан билдирилган тақлифларга диққат билан қаради. Уларни маъмуллайтиди ва уларни тақлифларни жорий этишда ҳар тарафлама ердан кўрсатади.

Наشريёт коллективи иш натижаларини КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) йилноми талаблари нўқтан назаридан баҳолаб эканмиз, ҳали ишимизда фойдаланилмаётган резервлар ва камчиликлар маъмулликни таъкидлаш мисоли керак. Биз ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш учун кўп иш қилишимиз, меҳнатни таъминлашнинг бригада формасини жорий этиш ва унга ҳақ тўловини тўғаллаштириш, бундан бун ҳам ишчиликнинг мустақамлаб боришимиз керак. Корхона ҳар бир ходимини тоширилган иш учун юксак маъмуриятни ҳис этиш руҳида тарбиялаш бизнинг асосий вазифамиздир.

ПАРТИЯВИЙ ИШНИНГ САМАРАЛИ ФОРМАСИ

К. П. ДУДИН,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) йилномида сўзлаган нутқида партия, давлат ва меҳнат интизомининг ҳар қандай бўлишига қарши қатъий кураш олиб бориш лозим деб таъкидлади. Шаҳар коммунистлари меҳнатқашлари бу кўрсатма мисоли таъкидлаб қўйди. Бу ишда бошланғич партия ташкилотларининг роли аниққис, каттадир. Бошланғич партия ташкилотлари ташкилотчилик ишнинг янада тақомиллаштириш учун биринчи беш йилликнинг мураккаб социал-иқтисодий вазифаларини муваффақият билан бажаришнинг асосий шартидир. Ижрони назорат қилиш ва тежамкорлик таъкидлашнинг ишнинг энг муҳим тарбиявий қисмидир.

Ҳозирги пайтда шаҳар партия ташкилотларида 2,5 мингтадан кўпроқ маъмурият фаолиятини назорат қилувчи комиссия фаолият кўрсатади. Улар атрофида 9 мингдан зиёд партия аъзоси ва аъзоликка қандидат бирлашган. В. П. Чкалов номидаги аниация бирлашмаси, трактор заводи, «Геологоразведка» заводи, «Энергосетьпроект» институти, ирригация трести, «Уз-автотранстехника» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа партия ташкилотларининг комиссиялари ҳисобот-савлоб партия йили ишларида ўз ишларига икбий баҳо олдилар.

Ҳозирги талаблар ҳисобга олинган ҳолда комиссиялар фаолиятининг кўламини анча кенгайтиришди. Улар ҳозир маъмурият фаолиятини 20 дан кўпроқ йўналиш буйича назорат қилмоқдалар. Бунда ҳар бир партия ташкилотларида маъмурият фаолиятининг маъмурият коллективи учун энг муҳим бўлган томонлари назорат остига олинди. Партия ташкилотларининг СССР охионалар трести партия амалга ошириш, ҳалқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш масалаларига эътибори кўчаиди.

Масалан, «Ташсельмаш» заводи партия ташкилотининг комиссияси ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини назорат қилиш буйича самарали иш олиб бормоқда. Комиссиянинг асосий диққат-эътибори ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган таъкид-техникавий тадбирларнинг ишлаб чиқиши ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилишга йўналтирилгандир. Комиссиянинг тақлиф ва мулоҳазалари завод партия комитети ва маъмурият қарорларида ўз аксини топди.

«Висотроў» трести партия ташкилотининг иқтисод қилиш ва тежамкорлик масалалари буйича комиссияси ўз йилини планни равишда олиб бориб, яхши натижаларга эришди. Кўпгина илмий-тадқиқот ва лойиҳа конструкторлик ташкилотларида фаолият ишлаб чиқариш билан мувоҳида таъкид-техникавий таъминлаш, фаи-техника янгиликларини жадал жорий этиш устидан назорат қилиш партиявий контролнинг бош йўналишига айланган. Бу масалаларни ҳал этишда «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Усам-ликлар экспериментал биологияси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг физика техника, геология, нефть ва газ конларини разведка қилиш институтлари ирригация буйича ГСКБ ва кўпгина бошқа партия таш-

ўтказамиз. Текшириш объектининг биринчи навбатда партия комитети тоширигига қараб белгилаймиз. Бундан ташқари машиналаримиз ҳар йили синовдан ўтдирилган машина-синаш станцияларидан тушган сигналлар, СССР «Госкомсельхозтехника» томонидан қайтариб юборилган сифатсиз маҳсулотлар, Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ва СССР ташқи савдо министрлиги сифат буйича давлат инспекциясининг текшириш натижалари буйича ҳам текширишлар ўтказамиз. Комиссия аъзолари билан ҳам декларида ўтказилган сифат қунарида мунтазам иштирок этидилар. Сифатни яхшилаш буйича белгилаган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиб борадилар. Синов ҳужжатларини ўрғанадилар. Назоратнинг бундай доимийлиги яхши самара беради.

Мисол учун тупроққа гербицид солиш буйича мослама сифатини яхшилаш юзасидан олиб борган иш мизини келтириш мумкин. Бу мослама кўпгина ишлаб чиқариш нуқсонлари билан чинарилар эди. Айнаси пайвандилаш жойларида ва пластмасса деталлар сиватда камчиликлар кўп эди. Бирлашма партия комитети мослама сифатини яхшилаш буйича тадбирлар комплексини ишлаб чиқиди.

Биз энг муҳим қисмларнинг тайёрлигини, бўйиш сифатини қундалик назорат остига олдик. Бизнинг тақлифимиз билан партия комитетида цех бошлиғи, бош мутахассисларнинг ҳисоботи тингланади. Завод мутахассисларига колхоз-совхозларда машиналарни синаш пайтда тез-тез қатнашадиган бўлидилар. Буларнинг ҳаммаси гербицид солишга мўлжалланган мослама сифатини анча яхшилаш имконини берди. Натижада унга мўлжалланган давлат сифатини берди. Бирлашма партия комитети ҳозир олдинга жуда маъмулликни вазифа — ишлаб чиқарилаётган қўсак чувиш агрегатлари сифати билан шуғулланиш вазифасини қўйди. Улар сифатсиз ишлаб чиқарилаётганлиги туфайли бу агрегатлар берилган Сифат белгисини олиб ташланди. Энг аввало технологик жараён талабларига риоя қилинишига жиддий эътибор бердик. Технологийа бўлишига йўл қўйилган ҳар бир ҳолда дех маъмуриятнинг охионалар трести ва бундан бирлашма партия комитети га маъмул қиламиз.

ПЛАН ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАБ

Я. ПОПОВ,
В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг цех партия ташкилотли бўлиш интизомига риоя қилиниши устидан назорат қилиш буйича комиссия раиси.

Цехимиз партия ташкилотли ҳар йили ҳисобот-савлоб йилигида план интизомига риоя қилиниши устидан назорат қилиш буйича комиссияси сайлади. Комиссия ўз ишлари квартал план асосида олиб боради. Бунда у ёни бу участкаларда планининг барбод бўлишига олиб келадиган сабабларни ўрғаниш кўзда тутилди. Масалан, комиссия мастер У. Абдуллаев группаси томонидан икки ой мобайнида планининг бажарилишига сабабларини текширганда ишчилар ўз вақтида топшириқлар бериш, уларни материаллар билан таъминлашда қатор камчиликлар мавжудлигини аниқлади.

Группада ҳисоб-китоб ишлари ва ишлаб чиқариш интизоми ҳам талаб даражасида эмас экан. Комиссия ўз ҳулосаларида мастернинг интизомсиз эканлигини, раҳбарлик таърибаси намлигини кўрсатди.

Партия бюроси интизомсизлик ва планларнинг барбод бўлишига йўл қўйганлиги учун коммунист У. Абдуллаевга вивогор эълон қилди ҳамда комиссия аъзоси коммунист В. Пангинага ўш мастерга амалий ёрдам кўрсатишни топширди... Ҳозирги пайтда группа мунтазам равишда планларни бажармоқда, шовшилик топшириқлар ҳам белгилаган муддатда бажарилапти.

Комиссия, шунингдек, ўрта бўгин раҳбарларининг ижрочилик интизоми қандай аҳволда эканлигини ўрғаниб чиқди. Бунда қатор мастерлар, бўлим бошлиқларининг ижрочилик интизоми паст эканлиги ишлаб чиқаришнинг бир метрда олиб

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ЖОРИЙ ЭТИЛСИН

Х. ҲОШИМҲУЖАЕВ,
«Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти хўжалиқшартнома ишларининг бажарилишини назорат қилиш буйича комиссия раиси.

Ҳозирги пайтда бирлашма коллективни 7 миллион сўмликдан кўпроқ хўжалик ва махсус шартнома ишлари бажарилаётганлигини ҳамда бу ишлар бирлашмада олиб борилаётган тадқиқотларга тобора натта салмоққа эга бўлаётганлигини ҳисобга олган партия ташкилотли хўжалик ва махсус шартнома ишларининг бажарилишини назорат қилиш буйича комиссия тузди. Унинг составига илмий ходимлар, конструкторлик бюросининг лойиҳачилари, бирлашма таъриб-экспериментал заводи ишчилари кирди. Комиссиянинг иш плани бирлашма партия комитети томонидан тақлифланади, касабга соиз ташкилотли тегишли комиссиялари, «Комсомол прожектори» халқ контроли группасининг иш плани билан мувофиқлаштирилади. Комиссия аъзолари хўжалик ва махсус шартнома буйича олиб борилаётган тадқиқотларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини текшириб борадилар. Бунинг натижасида аниқланган камчиликлар, уларнинг сабаблари тўғрисида ҳужжатлар ҳамда комиссиянинг тақлифлари бирлашма партия комитетига тақдим этилади. Партком комиссия материаллари йил қўйилмоқда, комиссиялар иш самараларини қаммайпти. Район партия ташкилотларида халқ хўжалиги тармоқларини, ишдаги конкрет йўналишларни ҳисобга олган ҳолда маъмурият фаолиятини назорат қилиш буйича комиссиялар расмлари ва аъзоларини ўқитишнинг пухта уйланган системасини яратиш пайти келди.

Бирлашма партия комитети комиссия материаллари асосида ушбу масалани ўз мақсисда қўриб чиқди. Тегишли бўлимлар раҳбарларининг ҳисоботларини тинглади, мавжуд камчиликларни баъраф этиш буйича конкрет тадбирлар белгилади. Қўрилган оғарлар натижасида бу қолдиқ бартафав этилибгина қолмай, балки ўтган йилнинг уч қўрт кварталидан ишлар ҳам муздатидан илгари бажарилиди.

Айни пайтда шуни айтиш керакки, район партия ташкилотларида бирлашма партия ташкилотларида маъмурият фаолиятини назорат қилиш буйича комиссия раислари ва аъзоларини ўқитиш системаси, аниқ мақсисда қўлаб олиб борилаётган тақлиф хатолари йил қўйилмоқда, комиссиялар иш самараларини қаммайпти. Район партия ташкилотларида халқ хўжалиги тармоқларини, ишдаги конкрет йўналишларни ҳисобга олган ҳолда маъмурият фаолиятини назорат қилиш буйича комиссиялар расмлари ва аъзоларини ўқитишнинг пухта уйланган системасини яратиш пайти келди.

1982 йилнинг иккинчи кварталда комиссиямиз иқтисодлаштирилган конструкторлик бюросларида хўжалиқ шартнома ишлари қандай бажарилаётганини текшириб, иккита муҳим объект буйича

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА ҒАМҲЎРЛИК

А. КАРИМОВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги клиник касалхонаси партия ташкилотининг медицина кадрлари тайёрлишини назорат этиш буйича комиссия раиси.

Бизнинг комиссиямиз партия бюросида тақлифланган партия ташкилотли хўжалиқ шартнома ишлари буйича олиб борилаётган тадқиқотларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини текшириб борадилар. Бунинг натижасида аниқланган камчиликлар, уларнинг сабаблари тўғрисида ҳужжатлар ҳамда комиссиянинг тақлифлари бирлашма партия комитетига тақдим этилади. Партком комиссия материаллари йил қўйилмоқда, комиссиялар иш самараларини қаммайпти. Район партия ташкилотларида халқ хўжалиги тармоқларини, ишдаги конкрет йўналишларни ҳисобга олган ҳолда маъмурият фаолиятини назорат қилиш буйича комиссиялар расмлари ва аъзоларини ўқитишнинг пухта уйланган системасини яратиш пайти келди.

Биз врачлар малакасини ошириш институтида врач кадрлар иқтисодлаштириш қандай амалга оширилаётганини текширдик. Бош врач ўринбосари томонидан ишларнинг иқтисодлаштириш буйича планининг айрим моддалари бажарилаётганлигини аниқлади. Текшириш натижалари партия бюроси мақсисда қўриб чиқилди. Унда бизнинг врач кадрлар иқтисодлаштириш ва улар малакасини оширишни яхшилаш буйича тақлифларимиз ҳам муҳюкама этилди.

Бироқ биз юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун ҳали резерваримиз мавжуд деб ҳисоблаймиз. Касалхона партия бюроси комиссиясининг ёрдами билан бу ишни мунтазам тақомиллаштириб бормоқда. Ҳозир медицина ходимларини тайёрлаш пайтида коллективда сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш, беморларга қўпол муносабатда бўлиш ҳолларининг олдини олиш ва бунга барҳам беришга алоҳида эътибор берилган.



СУРАТЛАРДА: 2-таксопар партия ташкилотининг машина парга техник хизмат кўрсатиш ва ремонт сифатини ошириш буйича комиссиясининг аъзолари В. Чубаров, Анатолий Левтов ва Юрий Логачёвлар навбатдаги автомобиль ремонтни кўздан кечиришяпти; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати масалалари — «Ташсельмаш» заводи партия ташкилотининг доимо диққат марказида. Пахта териш машиналари аппаратларининг сифати текширилямоқда. Е. Ботиров фотолари.

СИФАТ — АСОСИЙ МЕЗОН

Ю. КАТТАХҲАЕВ,
«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини устидан назорат қилиш буйича комиссия раиси.

Комиссиямиз аъзолари беш коммунистдан иборат. Улардан учтаси ишчилардир. Меҳнат комиссия раиси бўлиб ишлаб бошлаганимдан сўнг биз маъмул иш принциплари га таянадиган бўлдик.

Ўз ишимизни маъмурият ишига қарши қўймадан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш, сифатга салбий таъсир кўрсатадиган сабаблар пайдо бўлишининг ўз вақтида олдини олиш ишимизда энг биринчи нарсадир.

Комиссия иш плани ҳар кварталга мўлжаллаб тузилади ва партия комитети билан келишиб олинди. Ҳар кварталда 3—4 текшириш



АДАБИЁТ ВА САЊЪАТ САҲИФАСИ

«ТОШКЕНТ ТАРОНАСИ» КОНКУРСИГА:

ИЖОД ГУЛДАСТАСИ

МУАЛЛИФЛАРИМИЗНИ ТАНИШТИРАМИЗ

✦ Миркарим ОСИМ — 1907 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистоннинг Навоий, Беруний ва Абу Али ибн Сино ҳаётининг айрим даврларини акс эттирувчи тарихий асарлари китобхоналарга яхши маълум. М. Осим «Ўтбор», «Элчилар», «Зудлат ичра нур», «Жайхун узра будудлар», «Ибн Сино қиссаси» каби китоблар муаллифи.

✦ Анвар ИСРОИЛОВ — 1937 йили Тошкентда туғилган. «Йўллардаги қўшиқлар», «Юлдузлар газали», «Бир сўхбат хумори», «Югурик нур», «Булбуллар ва одамлар», «Севига илжио» китобларининг муаллифи.

Унинг шеърлари асосида кўплаб кўшиқлар яратилган.

✦ Лев ОШАНИН — таниқли совет шoirи, СССР Ўзбекистон союз правлениеси аъсоси, СССР ва РСФСР Давлат мукофотларининг лауреати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими. «Атиргуллар ва самодётлар», «Ибн Сино тумори» ва бошқа ўнлаб шеърли мажмуалар муаллифи.

✦ Фарҳод АЛИМОВ — 1979 йили Тошкент Давлат консерваториясининг композиция факультетини тамомлаган. Севги ва садоқатни, Ватан ва партияни мадҳ этувчи

кўплаб кўшиқлари, торлик кватрет ва симфоник оркестр учун ёзилган асарлари республика радио ва телевидениеси орқали ижро этилмоқда. Ҳозир Тошкент Давлат маданият институтида катта ўқитувчи бўлиб ишламоқда.

✦ Соҳиб МАҲЖАМОВ — 1944 йили туғилган. Кўп йиллардан буён «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида фотомухбир бўлиб ишлаб келмоқда. Унинг республика миқолида маданий ҳаёти, адабиёти ва санъатига оид ранг-баранг суратлари республика фотокурсагалари мукофотлари билан тақдирланган.

Анвар ИСРОИЛОВ:

«БОР БҮЛ, ҚАЛЪАЙИ ҚАДИМ, ЭЙ СЕН, ШАҲРИ МУАЗЗАМ»



ЖОН ПАЙВАСТ ПОЙТАХТИМ

Биллурий осмонингда порлаб пари-кумуш, Эрилув қабутларлар—башарий умид қўши, Бунчалар гўзап буюн чекларнинг қулиши, Жон пайваст пойтахтим—хазоний йўқ бир кўкнам.

Сен тўфайли ҳеч қачон бошим бўлмагайдур ҳам. Валломат, пирн суҳан—гурурдан кўнда бошим—Не-не байтлар атаган Гафурин Фулом Шошай, Бу айём ҳам байрамий, оҳорлик либосинг кий, Дастурхон теграсида дилқаш дўстлар жамул-жам.

Мезбонлик қил, меҳрибон, асти бўлмагайсан кам. Шарқда машъал, ҳақ сўзга баянд минибери олий, Байрогингда Лениннинг нишон зар-тилоли, Меҳнатда зафар қучган, покликда тоғган толе, Қаршингда полдир не-не қасру қошоналар ҳам,

Булбул тўла чаманим—барқ урган боғи эрам, Кўз ўнгимиз рўй берди инқилобий Саврлар, Офтобнинг нур тигидан тўзиб кетди абрлар, Кеҳаркан зум тўхтамай давронлару даврлар, Сен ниятда собитсан: қалқмасини кўзларда нам,

Мунисим, парирўйим, донашим, момогинам, Шавкати қайда қолди «бадний шаҳар» Римининг, Нажотлар тилаб, унга тапқинди кўнгли кимнинг,

Мазмун мунаввардир шеърда ташбеҳларининг, Москван оғам деб суйиб алқачининг дам, Иқбол ёдугариди балқиндиг яна тад-там, Октябрь зисидан қисматлар қулди тўғал, Эллар омон-омонда, тилларда «Байналминал»,

Сен буюн, кўна кентим, истиқбол нағмасин чап, Камолта ҳам заволга Ваит-ку одил ҳақам, Сен мазийлар армон—бахта етдинг чинакам, Йигирма тўрт минг ойнинг юзини кўрган шаҳрим,

Йилда ҳар қун офтобнинг ўзини кўрган шаҳрим, Қайрилиқ қашинининг кўзини кўрган шаҳрим, Шаҳри кўш ном-ла сен аталдиг мухтарам,

Оқ-оппоқ тонларингдан шўълар олди қалам, Тошкентликми, термизлик, қўқон ё фарғоналик!—

Бир кўрганнинг кўзиди ҳайрат ва ҳайронлик, Хокнингни сурма биллиб ҳуснингга вола олам, Тибшон эгадга қулган муаттар лопам, Жасорат, саховатнинг жўшқини наҳри кентимсан,

Аҳмад отанинг юрти, ая Баҳри! кентимсан, тутилиди.

Собир Раҳимнинг суюқ она шаҳри кентимсан, Қодирий бешгини тейратган маъсум санам, Мулла тўйчи эшиги ҳовлимдан ички қадам, Тонг сахардан то кеча ишчи қоржомасида, Ном шараф китоби— аълоли номасида, Боболарнинг чирғи ёниқ ҳар хонасида, Ниғонингда эртанинг наъшалари мунассам, Таърифнинг тўғамас ҳеч қўнгли дафтари оқсам.

Сенинг йигирма асрнинг кўнгли бўлсин, онажон, Айтган ҳар сўз—қаломинг ўтлуғ бўлсин, онажон, Бош узра ҳилпирраган ол туг бўлсин, онажон, Фарзандлик тилғи бу—юракда мисли қасам: Бор бўл, қалъайи қадим, эй сен шаҳри муаззам!

КУТУБХОНАДА

Бу масканда ҳикмат фаршталарини Сасис кезиб юрар нурли шарпаси. Ички олам оро жоя ришталарини Қўшғувчи байтлар бор—тилимсиз барчаси. Пушкиннинг жаҳонга синмаган жонин Тин олур жовонлар салтанатида. Шу юз кўришувнинг муқаддас оқи Қисматлар ўқилур китоб хатиди.

Алишер қошида биз тураркан лол, Уйлаймиз: нетариди,— деб ичдан хитоб,— Гар сен бўлмаганда дунёда, камол, Гар сен бўлмаганда дунёда, китоб!

Гар сен, Хайём, яшаб ўтмаган бўлсанг, Ҳайқирмаган бўлсанг ишқ мейиндан маст, Дунёнинг-йў ҳоли бўлмас эди танг, Леб, бўлмасди мазий буюнуга пайваст...

Бу қабр эмасдир, кўздан тўкма нам, Чорлама овозинг кўнлиб бефойда: Бақирмоқ не керак ахир, дўстимам, Даҳо зотлар сўқут сақлаган жойда.

АФРОСИЁБ

Кўзанг синиб ноғоқ тўкилди майлар, Зорли кўнглиларга айланди найлар, Хувиллаб қолдилар шерсиз тўқайлар, Сени чақирмоқда осмон ва офтоб, Қаддингини тўпроқдан ол Афросиёб.

Замин қай чоғ сўнди моҳи талъатинг Оқилмасдан қолди қай эски хатинг Очилмасдан қолди, айт қай био қатинг. Хум остида ётан, эй сен майи ноб, Қаддингини тўпроқдан ол, Афросиёб.

Бағрига тиг боғанг ҳисори қадим, Қаро қисматинга мен бош чайқадим, Мен шуни англадим, шуни пайқадим: Тўпроқ ичра ётур евларинг хароб, Қаддингини тўпроқдан ол, Афросиёб.


Сен-ку кўна кўрган—шапалоқдай жой, Чингизу Қутайба топтаган чирой, Яна ҳақамликка даъвогар, худрой Бошини кўтармоқда чингизлар шитоб, Қаддингини тўпроқдан ол, Афросиёб.

Ҳақ борки, чаманлар гулларга тўлуқ, Тирликлик кўксига отилмағай ўқ, Дунё Афросиёб аталмағай, йўқ, Заррини варақлари тўзган китоб,— Қаддингини тўпроқдан ол, Афросиёб.

Тошкентга

Бу шаҳарни қураётган мен

Фарҳод АЛИМОВ музикаси Лев ОШАНИН шеър.




Истасанг, юр, жоним, мен билан юргин, Шаҳрим кўчаларини тонг чоғи кўргин, Ҳар терак, ҳар гиштинг рағни, савти бор. Оҳ, билсанг, уларда кўлим тафти бор.

Юр баҳор тониндан олайлик илҳом, Айт, ёҳуд бир шаҳри қилайми илҳом? Қранлар—қўлларни, чўзар сен тоғи, Суюқлик маконинг бўлғай у, жоним.

Вафо қилсанг агар, қўл берсанг аҳдга, Кўнраймиш бахтин сўнги қаватга. Бахтин ҳам шаҳардек боллаб қўргаймиш, Улган ҳам шу қўллар тафтин бергаймиш.

Баҳорий сўбҳидам— шу хушнуд тонлар, Бўй чўзар мен курган ўйлар, балқонлар, Дема, бу шаҳарда тураётирман, Уни мен, уни мен қураётирман.



С. Маҳаматов фотосари

САЊЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли Давлат опера ва балет Катта театрининг ёш балет усталари ижросидаги ранг-баранг рақслар узунинг нафосатта бойлиги, сеҳрли жоизаси билан алоҳида ажралиб турди.

СҲАТЛАРДА: ёш балет усталари И. Канята ва Н. Зейнина; В. Оқундаев ва З. Давлатмуродова; З. Нуриятбекова ва Д. Шаймухамедовлар ижросида театр репертуаридан саҳна асарларидан лавҳалар.

С. Маҳаматов фотосари

ХАЛОСКОРЛИК

Эртакларнинг сеҳри бизларни Мафун этган, ёронлар, кўпбор.

Ботир ўғлон, пари қизларини Эртак бизга қолдирмиш ёдгор.

Эртакларда оз эмас ёлгон, Оз эмасдир хаёлий мазмун. Нам эмасдир ҳақ ҳам бегумон.

Қалб ҳамшира ҳақ сўзга тўтқун.


Гоҳ эшитиб, гоҳ эртан сўйлаб, Биз етайлик теран гапгача. Қора ўрмон сўқмоғи бўйлаб

Борар бир қиз —Қизил Шапкача Ким бўлмагил: шонрим, саяёх.

Ё шунчаки оддий ўтинчи, Ахир сансан ягона гувоҳ, Гар бўлсанг ҳам ҳорғин ўтинчи.

Чақнаб борар бир қиз — юлдузча, — Омон қолсин десанг заводдин,

Ем бўлмасдан Бувм ва Қизча, Сен етиб бор Бурдан олдин.



ТОШКЕНТ ТАРИХИДАН ҚИССА

Тошкент ўтмишда мудҳиш воқеалар, қора кунларни бошидан кечирган, босқинчилар томонидан таланган, аҳолиси ҳадсиз-ҳисобсиз азият чеккан. Мўғул истилочиларидан кейин Дашти қипчоқ султонлари, Бухоро амрлари, Қўқон хонлари шаҳарга бостириб кириб, қирғин қилган, тинч аҳолининг мол-мулкини талон-тарож этганлар. Уч хонлик даврида ҳам бу улғу шаҳар қўлдан-қўлга ўтиб, мусбат чекди.



Туркистон Россияга қўшилганидан кейин Тошкент оёсиниша ҳаёт кечира бошлади. Савдо-сотiq ишлари, ҳунармандчилик ривож топди, шаҳар кенгайиб, аста-секин обод бўла бошлади. Ушбу кичик қиссада тарихий ҳужжатларга асосланиб, XVII аср бошида Тошкент аҳолиси бошидан кечирган мусибатли бир воқеани тасвирладим.

МУАЛЛИФ.

—1—

Урда Бухоро амрининг саркардалари, Тошкент уламонлари, қозилари, амалдорлари билан гавжум. Деворлари ганч билан нақшланган катта танобий уйнинг тўридаги нақшикор курси устида Бухоро амри Имомқулихон виқор билан ўтирибди. Қу-муш ёқали атлас оқини кийган оппоқ соқоли Тошкент қозималони уни зафар билан қўтламоқда.

— Жаҳонноҳ, Бухороий шариф ҳамма юртлардан улғу турур,— деб гапда да-аом этди у баланд ёқимли овоз билан.— Жаноблари худованди қарининг иноят билан Дашти қипчоқ черикларини тор-мор этиб, муваффақият қозондилар. Тошкент шаҳри диний ислом қуввати бўлган Бухороий шариф илтирига ўтди. Қайғу ҳасрат шодлик билан мубаддал бўлди...

Оқ-сарқидан келган юзи барқашдай, яғрини кенг, малла соқоли Имомқулихон қилчичини тиззаси устига қўндаланг қилиб қўйган ҳолда қозималонинг тумтароқли гапларига илжайиб қўлоқ солиб ўтирар, сарғиш қошлари остида илтиригаган ёқим-си чағир кўзлари одамларнинг юрагига ваҳима солар эди. Риёкор қозималонинг лаганбардорлик қилватганин ичидан сезса-да, баъзи гаплари унга ёқиб, илжайиб қўйр, шунда қалин лаблари орасидан катта-катта оқ тишлари илтиригаб кўрниниб кетар, аммо кўзлари ўқрайганича тикилиб туради. Унинг ённдаги курсида баайин узга ўхшашан заҳча кўзи ўгли гердайиб турган шойи, атлас чопонли одамларга ло-қайд қараб, «Отам кетганидан кейин ҳам бу одамлар шундай ички бунқилиб, хизматга таяёр турармикинлар!»— деб ўйлар эди.

— Маъло, бўйин товласала, улари-нинг гарданларига итот халқасини солиб,

1. Имомқулихон 1612 йили Тошкент шахонаси ишғол қилган эди.

—2—

маймундай ўйнатиш қўлимдан келадиган. Қозим галим таомлаб: — Аё амрилузмон, сиздан беҳад миннатдор бўлган Тошканд турларни, бобиларнинг соғваларини, сарпоини олийини қа-бўл қилсалар,— деди ва бир чеккада қў-лнга зардаў чопонни тўтиб турган баланд бўйли, мош-гурчу соқоли оқсоқола им, қоқиб қўйди.

Имомқули қалин лаблари орасидан оп-поқ тишларини кўрсатиб, эринибгина ўрин-дан турди. Оқсоқол унга қимматбаҳо чо-понини кийгизиб, белига олтин камар бо-лади, кейин Искандарбекнинг белига ҳам олтин камар боғлаб, белига тилла қилич осди. Оғзи қулбоғига этган амрзода қили-чинини ярим белигача қиндан сугуриб қа-ради да, яна жойига солдиб қўйди. Учинчи бир оқсоқол катта қимлоқ бўҳчини аранг кўтариб келиб, амрининг оёғи остига қўй-ди да, таъзим қилганича орқага чеккинди.

Сарпоини топшириш маросиминда ҳозир бўлган дин арбоблари — Уламоу аълян-лар, қозмо муфтилар Бухорога тоёб бўлганлардан беҳад мамун, чунки энди ҳар қандай солиқлардан овоз бўлишлари уларга маълум эди. Лекин орқада қўл қовуштириб турган даҳо оқсоқолларнинг қўнғиллари гаш, амр сарбозлари шаҳар аҳолисини талаганиликларини улар ўз кўз-лари билан кўрган, Имомқулихон Тошкент-ни кўтарарчи учун эмас, балки унинг бой-лигини талаш учун келганини сезиб ту-рур эдилар. Хусусан турки соғви, заҳча кўз тонзаданинг рўпарасида қўл қовуш-тириб турган одамларга желимасдан қар-ши қўнғилларини гаш қилар эди.

Турбий оқсоқол кекукуру унга чар-чаб келди. Арава сизданган катта дарво-заси ланг очқ эди. Бошим сал энгаш-тириб, отини никтаб дарвозадан ташхари-ҳовлига ичрди да, эгардан тушиб хўрсин-

—3—

ди. Шу пайт қалмоқ башара хизматкори хўжраддан чиқиб салом бериб, отнинг и-ловодан ушлади, уни аста етаклаб отхона-га олқириб кетди.

Кудук ённдаги бир тул олма чамандай гуллаган, арлар гувилаб унинг атрофида учиб юрдиб, гулдан гулга қўнар эди. Ур-дадан қўнгли гаш бўлиб, юраги сиқилиб қайтган оқсоқол бурун катталарини кер-иб, кўнғил кўтарилиб кетди. Олма тузи-дан таралган хушбўй ҳид секин-аста эса-ётган шомол юрагиданги барча иллатларин олиб кетгандай бўлди. Урта зичини очиб ичкари ҳовлига қадам қўйиши билан эга-нин бар ўриб, ҳовли супураётган Хўринисо-га кўзи тушди.

— Ассалому алайкум дада. Кечинки келдинизга, эиёфат катта бўлганга ўхшайди,— деди қиз қаддини ростлаб.

— Ҳа, катта бўлди,— деди оқсоқол ил-жайишга ҳаракат қилиб.—Қани, юр уйга кирайлик,— ойнинг овқатини пишириб, даст-турхон ёзиб ўтиргандир. Зиёфатда, нега-дир тамоғимдан овқат ўтмади.

У қизининг бўйи етиб қолгани, кўзга яқинлигини ўйлаб ташвиш торта бошлади. «Ишқилиб, унинг таърифи ўрдага бориб етмасин-да, унда бошимизга фалокат ке-лади. Тошкентда ҳоким бўлиб қоладиган Искандарбек ноинсоф, беандиша йағитга ўхшайди. Қизимни тезроқ узатиб тин-чиси керак. Уни жияним Назарқул билан бириктириб қўйсам яхши бўларди,— деб ўйлади у қошларини чимчириб.—Отам бир марта бўлса ҳам оғиз солмади!» Угайли-гига боради-да! Назарқул ақлли-хушли, ундабурон йағит. Агар кувё қилиб олсам, уни, ўғил ўрнида кўриб, бор-йўғимга уни ворис қилардим, қизим ҳам бахтли бўлар-ди. Хўринисога ҳудуд ҳам ақл, ҳам ҳусн берган».

У тоқчалари ганч билан сувалган, тах-

—4—

зарқулнинг башараси умид шўъласи билан ёришар эди.

— Агар ўрдада мен боп бир иш топи-лса, яхши бўларди,— деди у хурсандлиги яшра олмай, кейин — нима уни Имо-қулихонини Аштархоний деб юртишадил!— деб сўраб қолди.

— Сабаби шунки, унинг бобоси Жонибек Султон Аштархон шаҳрининг хони бўлган, Урсуня подшоҳи Аштархон шаҳрини босиб олганда Жонибек ўз одамлари билан Бу-хорога қочиб келган». Абдуллоҳнинг ота-си Искандархон уни яхши қарши олиб, у-нга ўз қизини бериб қувё қилиб олган. Жо-нибек уч ўғил кўрган: Динмухаммад, Бо-қий Мухаммад, Вали Мухаммад. Ҳозир Тошкентда турган Имомқулихон Динму-хаммаднинг ўғли, Аштархоннинг сўнги хони Жонибек султонининг невараси...

— 3. Бундан чиқди Аштархонийлар ну-ғойлардан экан-да!

— Секкирок гаплар, агар бир ерда шу гап оғзиндан чиқиб кетса, бошим ёрла-ди. Бутун тилсимларнинг қалти тилини сақ-лашду...

— Сизга айтдим-да, тога, Менам билмади шу замонда тилга эҳтиёт бўлиш керакли-гини.

2. Иван Грозний 1556 йили Астрахань шаҳрини Москва давлатига қўшиб олган эди.

—5—

Нега бунча оз, Имомқулихоннинг ас-карлари беҳисоб-ну.

— Улғига инонмайди у. Кўпроқ аскар қолдирсам, исён кўтариб, меннинг тахтимни эгаллайди, деб кўрнадилар! Эшитишимча, ўрда ясовулбошинга қоровуллар керак экан, эртагаёқ ясовулбоши билан гапла-шиб кўрай, Ганч орасида ўз одамимиз бўлгани яхши.

Тоғасининг гапига қўлоқ солар экан На-

—6—

Зарқулнинг башараси умид шўъласи билан ёришар эди.

— Агар ўрдада мен боп бир иш топи-лса, яхши бўларди,— деди у хурсандлиги яшра олмай, кейин — нима уни Имо-қулихонини Аштархоний деб юртишадил!— деб сўраб қолди.

— Сабаби шунки, унинг бобоси Жонибек Султон Аштархон шаҳрининг хони бўлган, Урсуня подшоҳи Аштархон шаҳрини босиб олганда Жонибек ўз одамлари билан Бу-хорога қочиб келган». Абдуллоҳнинг ота-си Искандархон уни яхши қарши олиб, у-нга ўз қизини бериб қувё қилиб олган. Жо-нибек уч ўғил кўрган: Динмухаммад, Бо-қий Мухаммад, Вали Мухаммад. Ҳозир Тошкентда турган Имомқулихон Динму-хаммаднинг ўғли, Аштархоннинг сўнги хони Жонибек султонининг невараси...

— 3. Бундан чиқди Аштархонийлар ну-ғойлардан экан-да!

— Секкирок гаплар, агар бир ерда шу гап оғзиндан чиқиб кетса, бошим ёрла-ди. Бутун тилсимларнинг қалти тилини сақ-лашду...

— Сизга айтдим-да, тога, Менам билмади шу замонда тилга эҳтиёт бўлиш керакли-гини.

2. Иван Грозний 1556 йили Астрахань шаҳрини Москва давлатига қўшиб олган эди.

(Давоми бор).

Редактор ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

3. ТОШКЕНТ БЕЛ. ОҚШОМИ

11 АПРЕЛЬ, 1983 й.

